


## КУБА РОССИЯДАН КРЕДИТ ОЛАДИ

*Россия Кубага берадиган кредитларнинг умумий қиймати аввал хабар қилинганидек 20 миллион эмас, балки 354 миллион долларни ташкил этади, деб хабар беради «Ведомости» газетаси. Ушбу нашрнинг ёзишича, Россия президенти Дмитрий Медведев ва Москвага расмий ташриф билан келган Куба раҳбари Рауль Кастро яна иккита — 100 ва 150 миллион долларлик кредит бўйича келишиб олишди.*



*Бундан ташқари, Россия Ташқи иқтисодий банки ҳам 47 миллион доллар кредит ажратишга қарор қилди. Айнан ушбу маблағ ҳисобига Куба «Ильюшин Финанс Ко» масъулияти чекланган жамиятидан Ту-204 СЕ юк ташувчи ҳаволайнерини сотиб олади. Шунингдек, Россия Кубага 37 миллион долларлик озиқ-овқат ёрдами кўрсатади. Гап буғдой етказиб бериш ҳақида кетмоқда.*

## «АРТЕК» АСРАБ ҚОЛИНАДИ

*Дунёга машҳур «Артек» халқаро болалар оромгоҳи иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганди.*



*Эътиборсизлик оқибатида бу сўлим гўшадан файз кетиб, унинг тақдири кўпчиликни ташвишга солаётганди. Яқинда Украина Вазирлар Маҳкамаси «Артек»ни сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича қарор қабул қилди. Айни чоғда «Артек» ерларига махсус статус берилди. Энди табиатнинг гўзал бу маскани ҳам қўриқхона, ҳам давлат мулки статусларига эга бўлади. «Бундан буён бирорта чиновник бу жойларга қадам босолмайди», деди Юлия Тимошенко.*

*Бундан ташқари, «Артек» барча солиқлардан озод этилади, оромгоҳнинг давлат корхоналаридан қарзлари бекор қилинади. Қабул қилинган қарорга кўра, 2009 йилдан бошлаб «Артек»ка бериладиган барча йўлланмалар ҳукумат томонидан сотиб олинади. Бунинг учун 60 миллион гривен (7,5 миллион доллар) ажратилади.*

*Бу масалалар бўйича қонун лойиҳаларини Рада қўмиталари кўриб чиқади. Шунингдек, «Артек»ни таъмирлашга 35 миллион гривен маблағ ажратиш, бу ҳудуддан 227 оилани кўчириш ҳам кўзда тутилган. Келажакда «Артек» ҳам болалар оромгоҳи, ҳам Украина спортчилари олимпия ўйинларига тайёргарлик кўрадиган базага айланади.*

## ВАЗИРЛАР ЎҚИТИЛМОҚДА



*Туркманистон Президенти Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир ходими, вазирлар Президент ҳузуридаги Давлат хизматлари академиясида ўқиб, малака ошириши ҳақида буйруқ берди, дея хабар қилади РИА Новости. Президент топшириғига кўра, ўқиш пайтида имтиҳондан ўтолмаганлар эгаллаб турган барча лавозимларидан озод этилади. Президент фикрича, Туркманистонда ислоҳотлар суст бораётганига ҳукумат аъзоларининг малакаси етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда.*

## ҚАМОҚХОНАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК



*Ўтган шанба куни Техас штатининг Ривз округи яқинида жойлашган қамоқхона ҳовлисида 2080 нафар маҳбус ўртасида оммавий муштлашувлар уюштирилган, деб хабар беради CNN. Бу ерда жами 2400 маҳбус сақланади. Маҳаллий полиция вакилларининг айтишича, тартибсизлик сабаби ўрганилмоқда.*



*Сочи шаҳрининг ўзига хос бинолари*

**4 февраль — Халқаро онкология касалликларига қарши кураш куни**

# БЕДАВО ДАРД ЭМАС, АММО...

Инсониятнинг ўтмишига назар ташласак, мутахассислар таъкидлашича, бундан олти аср илгари ҳам одамлар саратон-рак касаллигига чалинган. Саратон хасталиги асосан 60-80 ёшдаги аҳоли орасида кўпроқ учраган. Ўтган асрнинг охирига келиб ёшлар ва болалар ҳам рак билан оғрий бошлагани қайд этилган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда ер юзида 11 миллион нафардан ортиқ аҳоли бу дарддан азият чекяпти. Яқин 20-25 йилдан кейин унга чалинганлар сони 2-3 мартага ошиши эҳтимолдан холи эмас.

Инсониятни ташвишга солиб келаётган саратон аслида бедаво дардми? Одамлар ундан қандай муҳофазаланиши керак? Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкологи, Европа Тиббиёт онкологлари ассоциацияси, Бельгиядаги ривожланаётган давлатлар онкологларининг саратон касалликларини даволаш ва ўрганиш ассоциацияси аъзоси Мирза Ғофур-Охунов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Мамлакатимизда халқ соғлиғини муҳофазалаш, тиббий хизмат сифатини юксалтириб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида онкологик касалликларни даволаш муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган вақт мобайнида бу борада сезиларли ижобий кўрсаткичларга эришилди, даволаш масканлари такомиллаштирилган.

Саратон касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар икки хил, яъни экзоген (ташқи муҳитдаги) ва ички (одам организмида мавжуд) омиллардан пайдо бўлади.

Тиббий тадқиқотлар кўрсатадики, саратоннинг асосий сабаби 80 фоиз ҳолларда сурункали касалликлар асоратидан келиб чиқади. Шу боисдан одамлар 60, 70, 80 ёшга борганда шу дарддан азоб чекишади.

Ҳаёт ширин, яшаш яхши, аммо унинг ўзига хос ёзилмаган шафқатсиз қонунияти ҳам бор. Ҳаётда инсон ёши улғайиб, кексайиб борган сари организми ташқи омиллар билан тўқнашишига тўғри келади. Масалан, кимёвий омилларни олайлик, саноат чиқиндилари, тамаки чекиш, нос отиш, ароқ ичишдан организмда ҳар хил ўсмалар пайдо бўлади, сурункали касалликларга олиб келади.

Бугунги статистик маълумотларга қараганда, республикамизда онкологик касалликлар 100 минг аҳолига 71 нафар кишини ташкил этади. Бир йилда салкам 19 минг нафар касал диспансер рўйхатига олинади. Айни пайтда 88 минг нафар бемор диспансер ҳисобида турибди.

***— Мирза Алиёрович, ҳозирги пайтда аҳоли орасида саратон касаллигининг қайси тури кўпроқ учрайди? Ва ундан сақланиш учун қандай тавсиялар берасиз?***

— Ҳозирги кунда дунё бўйича сут бези саратони кўп учрайди. Республикамизда ҳам касалликнинг шу тури олдинги ўринда. Бундан 20-30 йил илгари аҳоли орасида ошқозон, қизил ўнгач, ўпка саратони кўп учрарди. Кейинги ўзгаришнинг сабаби — сут бези касалликларига чалинган беморлар мутахассисга вақтни ўтказиб мурожаат қиляпти.

Кези келганда, айниқса, ёши 40 дан ошаётган аёлларимизга кўкрак бези саратонидан сақланишнинг оддий усулини эслатиб ўтмоқчиман. Ҳар ойда қоматингизни ойнага солиб, синчиклаб кузатинг, кўкрак безида ёки тери ранги, ҳажмида ўзгариш сезган заҳоти иккиланманг, орқага ташламанг, дарҳол онкологга мурожаат қилинг. Чунки, ёш ўтган сари соғлом ёки сурункали хасталикка чалинган организмда саратон хавфи мавжуд бўлади.

Соғлом одам 6 ойда онколог кўригидан ўтиб, аввало рак олди касалликларининг олдини олади, соғлиғини муҳофазалайди, умрига умр қўшади, оиласининг моддий фаровонлигини, маънавий осойишталигини таъминлайди.

***— Мамлакатимизда етакчи даволаш маскани — Республика онкология илмий марказида беморларга қандай тиббий хизматлар кўрсатилади? Унинг сифати, самарадорлиги қандай?***

— Марказимизда ўсма касалликларини даволашда энг замонавий жарроҳлик амалиёти, кимёвий терапия, гормон ёки иммунотерапия усулларидан кенг фойдаланилади. Масалан, беморларга Таргед терапеясини қўллаяпмиз, яъни бевосита ўсма жараёнига таъсир қилувчи дорилар уни «парчалайди», тўқималарга зарар етказмайди. Ёки гормонал терапеяни олсак, авваллари гормон дориларнинг ўсмадан ташқаридаги тўқималарга салбий таъсири кузатиларди. Бугунги замонавий гормон препаратлар фақат ўсма жараёнигагина таъсир қилади, бошқа тўқималарга мутлақо зарар етказмайди.

***— Ҳар қандай соҳанинг тараққиёти мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Ўрни келганда шу масала ва бу борада вилоятлардаги аҳволга ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Бундан 20 йил илгари соҳада кадрлар етишмасди. Марказимизда 1-2 нафар клиник ординатор, нари борса, 2 нафар аспирант илмий иш устида ишларди. Бугунги кунда республикамизнинг онкология тизими катта илмий салоҳиятга эга. Ҳар йили тиббий олийгоҳларимиз 50 нафарга яқин клиник ординаторлар, 10 нафарга яқин аспирант, 2-3 нафар докторантлар тайёрлаяпти. Деярли ҳамма вилоятларда (Сурхондарё ва Сирдарё вилоятидан ташқари) диспансерлар 100 фоиз мутахассис кадрлар билан таъминланган. Республикамизда 16 та диспансер, 71 та онкология кабинетлари мавжуд.

Онкологлар Ассоциацияси кўмагида республикамизнинг кўплаб истеъдодли ёш кадрлари хорижий давлатларда тажриба ўрганиб келишяпти. 2007 йилда уч нафар ёш мутахассис Бразилияда, 2008 йилда 5 нафари Швеция, Швейцария, Францияда, икки нафари Жанубий Кореяда малака ошириб келишди.

Аҳолининг тиббий саводхонлиги қанчалик юксак бўлса, одамлар ўз соғлиғи устида ўзи қайғуради, руҳини иллатлардан асрайди. Илмий тадқиқотларимиз 57 фоиз ҳолларда беморлар саратоннинг учинчи, тўртинчи босқичидагина онкологга мурожаат қилаётганлигини кўрсатмоқда. Бугун биз яқин келажакда ана шу кўрсаткични 35 фоизга тушириш учун курашаяпмиз. Беморларни реабилитация қилиш, улар учун махсус сиҳатгоҳлар ташкил қилиш ҳақида ўйлаяпмиз.

Мухтасар айтганда, соғлом умргузаронлик — инсоннинг ўз қўлида, аниқроғи, соғлом турмуш тарзида.

**Суҳбатдош:
Саида САЙҲУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

***2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича***

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Объектнинг номи ва манзили |
|---|---|
| | **ЛОТ 1-9:** |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳри, Амир Шоҳмурод кўчасидаги 834 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Самарқанд шаҳри, Чорраҳа кўчасидаги 520 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчасидаги 920 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Самарқанд шаҳри, Ибн Холдун кўчасидаги 422 ўқувчи ўринли 67-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Самарқанд шаҳри, Ўлмас Розиқов кўчасидаги 320 ўқувчи ўринли 59-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Самарқанд шаҳридаги 565 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Самарқанд шаҳри, Термиз кўчасидаги 560 ўқувчи ўринли 22-сонли мактабни реконструкция қилиш. |
| Лот-8 | Иштихон тумани, Митан қўрғонидаги 420 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни реконструкция қилиш. |
| Лот-9 | Қўшрабод тумани, Работ қишлоғидаги 7-сонли мактабда 12x24 м. қўшимча спорт зали қурилиши, ёрдамчи хоналари билан. |
| | **ЛОТ 1-9:** |
| Лот-1 | Ургут тумани, Вагасти қишлоғидаги 480 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Ургут тумани, Сойғус қишлоғидаги 422 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Ургут тумани, Гузни маҳалласидаги 340 ўқувчи ўринли 86-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Ургут тумани, Мирзақишлоқ қишлоғидаги 820 ўқувчи ўринли 33-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Ургут тумани, Торинжак маҳалласидаги 540 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Ургут тумани, Қайроқли маҳалласидаги 820 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Пахтачи тумани, Дўстобод маҳалласидаги 1076 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Пахтачи тумани, Гўрўғли маҳалласидаги 536 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-9 | Пахтачи тумани, Жана маҳалласидаги 770 ўқувчи ўринли 36-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| | **ЛОТ 1-8:** |
| Лот-1 | Оқдарё тумани, Янгиқўрғон қишлоғидаги 400 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Оқдарё тумани, Бўтанош қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Пайариқ тумани, А.Навоий маҳалласидаги 1134 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Пайариқ тумани, Хўжаобод маҳалласидаги 420 ўқувчи ўринли 68-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Пайариқ тумани, Тоймойрот қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 71-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Пайариқ тумани, Челак шаҳридаги 844 ўқувчи ўринли 80-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Пайариқ тумани, Бўри маҳалласидаги 420 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Қўшрабод тумани, Пичот ҚФЙ Мустақиллик кўчасидаги 784 ўқувчи ўринли 85-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| | **ЛОТ 1-8:** |
| Лот-1 | Каттақўрғон тумани, Тонг қўрғончасидаги 420 ўқувчи ўринли 66-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Каттақўрғон тумани, Чўянчи қишлоғидаги 660 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Каттақўрғон тумани, Каттаминг қишлоғидаги 630 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Каттақўрғон тумани, Муллокўрпа қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Каттақўрғон тумани, Қирғиз қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Нарпай тумани, Янгиқўрғон маҳалласидаги 540 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Нарпай тумани, Чайқал маҳалласидаги 520 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Нарпай тумани, Оқтош шаҳри, Муқимий маҳалласидаги 420 ўқувчи ўринли 60-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| | **ЛОТ 1-8:** |
| Лот-1 | Пастдарғом тумани, Оқманғит қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Пастдарғом тумани, Довкаш қишлоғидаги 530 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Пастдарғом тумани, Бешбола қишлоғидаги 580 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Пастдарғом тумани, Боғонали қишлоғидаги 720 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Пастдарғом тумани, Меҳнатобод қишлоғидаги 410 ўқувчи ўринли 62-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Пастдарғом тумани, Янгийўл қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли 88-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Самарқанд тумани, Арабхона маҳалласидаги 728 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Самарқанд тумани, Бадал маҳалласидаги 320 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| | **ЛОТ 1-8:** |
| Лот-1 | Иштихон тумани, Халқобод қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Иштихон тумани, Қирқйигит қишлоғидаги 635 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Иштихон тумани, Барлос қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 22-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Иштихон тумани, Иштихон шаҳридаги 840 ўқувчи ўринли 35-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Иштихон тумани, Оқчуроғоси қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Иштихон тумани, Каттақангли қишлоғидаги 380 ўқувчи ўринли 62-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Тайлоқ тумани, Тайлоқ қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Тайлоқ тумани, Хўжаюз қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 36-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| | **ЛОТ 1-8:** |
| Лот-1 | Булунғур тумани, Небуса маҳалласидаги 320 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-2 | Булунғур тумани, Чангал маҳалласидаги 520 ўқувчи ўринли 45-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-3 | Булунғур тумани, Самарқанд маҳалласидаги 520 ўқувчи ўринли 46-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-4 | Булунғур тумани, Оқтепа маҳалласидаги 360 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-5 | Жомбой тумани, Тут қишлоғидаги 834 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-6 | Жомбой тумани, Чалақўрғон қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-7 | Жомбой тумани, Сарой қишлоғидаги 417 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |
| Лот-8 | Нарпай тумани, Ноғорахона қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 61-сонли мактабни капитал таъмирлаш. |

*Объектларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 1 августгача.*

**Мактабларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари** — Мактаб таълимини ривожлантириш фонди, спорт зали қурилиши — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмага, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.**

*Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офертлар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 10.00 да, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

